



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 27 » noyabr № 622

Toshkent sh.

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш, ушбу соҳада давлат хизматлари кўрсатиш tizimini такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПФ-76-сон Фармони ҳамда “Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизimini самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 27 июлдаги ПК-238-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестрига киритиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматидан фойдаланиш учун жисмоний ва юридик шахслар фақат **давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали** (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мурожаат қиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда:**

мазкур қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизмати ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳар бир босқичида мурожаатларни кўриб чиқишни кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология, атропо-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси олти ой муддатда Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестрини юритишга мўлжалланган ахборот тизимини ишлаб чиқсин ҳамда ЯИДХП интеграция қилиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестрининг ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва келгусида техник қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ишлар Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атропо муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича уларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентнинг талабларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Экология, атропо муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси органлари мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини қўлласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Экология, атропо-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларнинг эгалари ҳамда ходимларини меҳмонхона хизматларини кўрсатиш, замонавий ахборот технологиялари соҳаси ва чет тиллари бўйича малака ошириш, шунингдек, ходимларни қайта тайёрлаш курсларида тизимли равишда ўқитишни йўлга қўйсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари рўйхати **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси экология, атропо-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 27 ” ноябрдаги 622 -сон қарорига
1-илова

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш ва улар томонидан хизмат кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитасининг (кейинги ўринларда – Туризм қўмитаси) ҳудудий бўлинмалари;

оилавий меҳмон уйи (кейинги ўринларда – меҳмон уйлари) – меҳмон уйида уй эгасининг оила аъзолари билан бирга яшаш тамойили бўйича бир вақтнинг ўзида 10 нафаргача ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, ҳар бир яшовчи шахсга 3 метр квадрат ҳисобидан тўғри келадиган турар жой майдонига эга бўлган хусусий уй-жой объекти;

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестри (кейинги ўринларда – Реестр) – Туризм қўмитаси томонидан юритиладиган меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар тўғрисидаги маълумотлар ахборот базаси;

ўтовли оромгоҳ – енгил хомашёдан конуссимон шаклда ясалган, кўчманчи турмуш тарзини олиб борадиган одамларнинг тарихи ва маданий хусусиятлари билан танишиш ҳамда таништиришга қаратилган, ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи этник услубдаги ихтисослаштирилган, шунингдек, ҳар бир яшовчи шахсга 4,5 метр квадрат ҳисобидан тўғри келадиган турар жой майдонига эга бўлган санитария-гигиена қулайликлари мавжуд туристик база;

хостел – асосан бюджетли туризм учун, турли сиғимли номер (хона)ларга эга ва санузеллари номер (хона)лардан ташқарида бўлган, шунингдек, меҳмонлар мулоқоти учун алоҳида жойга эга вақтинча яшаш учун мўлжалланган жойлаштириш объекти;

чодирли оромгоҳ – ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, қисмларга ажратилиши ва йиғилиши ҳамда матоли бошпана (чодир)лардан иборат бўлган санитария-гигиена қулайликлари мавжуд туристик база;

“E-mehmon” дастури – меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларида яшовчиларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган махсус электрон дастури.

3. Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларнинг фаолияти уларни Реестрга киритиш ва Реестрдан кўчирма бериш йўли билан ташкил этилади.

4. Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар эгалари улар Реестрга киритилгандан сўнг хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Меҳмон уйлари хизматлари меҳмон уйини ташкил этиш учун яроқли турар жой биносига эга бўлган ва унда яшовчи хусусий тадбиркорлар ёки оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилади.

6. Хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳларда ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилади.

7. Меҳмон уйлари хизматларини кўрсатиш оилавий тадбиркорлик субъектлари шаклида ташкил этилганда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) учун тўловлар аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида тўланади.

8. Меҳмон уйлари фаолияти тегишли турар жойда унинг эгаси ўз оила аъзолари ҳамда ташриф буюрувчилар (туристлар) билан бирга яшаши таъминоти асосида ташкил этилади.

2-боб. Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга доир талаблар

9. Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга доир талаблар қуйидаги мақсадларда белгиланади:

меҳмон уйи, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларнинг вақтинча яшаш бўйича хизмат (кейинги ўринларда – хизматлар) кўрсатиш соҳасига мувофиқлигини тасдиқлаш;

меҳмон уйи, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар эгаси томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва зарур моддий-техник базасининг мавжудлигини тасдиқлаш;

хизмат кўрсатишнинг зарур даражадаги сифатини ва ташриф буюрувчиларнинг (туристларнинг) хавфсизлигини таъминлаш.

10. Меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этишда мазкур Низомга 1-иловадаги рўйхат бўйича шароитлар яратилган бўлиши шарт.

Меҳмон уйларида ушбу Низомга 1а-иловага мувофиқ қўшимча хизмат турларини кўрсатиш ҳамда ва 1б-иловадаги рўйхатдаги буюмларнинг мавжуд бўлиши тавсия этилади.

11. Хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларга доир мажбурий талаблар стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

3-боб. Реестрга киритиш ва уни юритиш тартиби

12. Реестр ваколатли давлат органи томонидан юритилади.

13. Реестрни юритиш қуйидагиларни назарда тутади:

индивидуал реестр рақамини берган ҳолда, мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар тўғрисидаги маълумотларни маълумотлар базасига киритиш;

маълумотлар базасини Туризм қўмитаси расмий веб-сайтида “онлайн” режимда янгилаб бориш.

14. Реестр электрон шаклда юритилади ва ЯИДХП орқали Реестрга киритилган маълумотларни “онлайн” текшириш имкони мавжуд бўлади.

Туризм қўмитаси республика миқёсида Реестрнинг ягона маълумотлар базаси юритилиши, ундаги маълумотлар “онлайн” режимда янгилаб борилиши ҳамда қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши, шунингдек, Реестрдан чиқариб ташланган маълумотлар электрон шаклда сақланишини таъминлайди.

4-боб. Меҳмон уйи, хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳларни реестрдан чиқариш

15. Меҳмон уйи, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар Реестрдан қуйидаги ҳолатларда чиқарилади:

меҳмон уйи, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар эгалари томонидан Реестрдан ихтиёрий равишда чиқариш тўғрисида ариза берилганда;

тадбиркорлик фаолияти белгиланган тартибда тугатилганда;

ваколатли давлат органи томонидан ўрганиш ҳамда меҳмон уйи, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларда ташриф буюрувчиларни (туристларни) анкеталаштириш давомида мазкур Низом талабларининг мунтазам равишда (уч марта ва ундан ортиқ) бузилиши аниқланганда.

Ушбу Низомнинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларни Реестрга такроран киритиш тўғрисида белгиланган тартибда муружаат қилиниши мумкин.

Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда тўғридан-тўғри ваколатли орган томонидан, тўртинчи хатбошида кўрсатилган ҳолларда эса фақат суд томонидан Реестрдан чиқарилади.

16. Ваколатли давлат органи Реестрдан берилган ва қайта расмийлаштирилган кўчирмалар, шунингдек, Реестрдан чиқарилган меҳмон уйи, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон шаклда сақланишини таъминлайди.

5-боб. Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларда белгиланган талабларга риоя этиш мониторинги

17. Туризм қўмитаси томонидан тасдиқланадиган режа-жадвалга мувофиқ меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларнинг ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ваколатли давлат органи томонидан мониторинг ўтказилади.

18. Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолияти ҳамда улар томонидан мазкур Низомда кўзда тутилган талаблар бажарилишининг мониторинги қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар томонидан мазкур Низом талабларининг (шу жумладан, меҳмон уйлари учун мазкур Низомга 2-иловада кўзда тутилган мажбурий шароитлар, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар учун қабул қилинган стандартлар) бузилиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар эгалари ҳамда ходимларининг кўрсатилаётган хизматлар сифати ва хавфсизлигига таъсир қилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш;

Реестрга киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш.

Мониторинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишнинг қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибига мувофиқ ҳамда Туризм қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда анкеталаштириш йўли билан амалга оширилади.

6-боб. Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар эгаларининг ҳамда ваколатли давлат органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

турар жой биносини (меҳмон уйлари ва хостел эгалари) ўз ихтиёрига кўра турар жой соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда мазкур Низомда белгиланган талаблар доирасида тасарруф этиш;

ташриф буюрувчиларни (туристларни) Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот-туристик марказлари орқали, улар мавжуд бўлмаган ҳолларда эса, билдириш тартибида ҳудудий ички ишлар органларига мурожаат қилиш йўли билан рўйхатга қўйиш орқали ижара шартномасини расмийлаштирмасдан жойлаштириш;

ташриф буюрувчилар (туристлар) томонидан жамоат тартиби нормалари бузилган ҳолларда, жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан боғланиб ҳаракат қилиш;

туризм фаолияти субъектларига берилган имтиёزلардан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиш.

20. Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларнинг эгалари:

ўз фаолиятини қатъий равишда мазкур Низом ва туризм тўғрисидаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, шунингдек, эпидемияга қарши ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;

Реестрга киритилган маълумотлар ўзгарганлиги, шунингдек, ўз фаолиятини тугатганлиги тўғрисида уч иш куни мобайнида ваколатли давлат органини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиши шарт.

Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларнинг эгалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Туризм қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолияти ҳамда улар томонидан мазкур Низом талабларининг ўз вақтида ва тўлақонли бажарилиши юзасидан ушбу Низомнинг 5-бобига мувофиқ мониторингни амалга ошириш;

меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

мониторинг натижалари бўйича меҳмон уйи, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар манзилига аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш учун аниқ муддатлар кўрсатилган ҳолда бажариши мажбурий бўлган кўрсатмалар тақдим этиш.

22. Ваколатли давлат органи:

меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашиши;

вақтинча яшаш бўйича хизматлар кўрсатиш, шунингдек, манфаатдор давлат органлари билан ҳамкорликда меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларнинг эгаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш тартиби билан таништириши;

режали асосда меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ходимларининг билими ва малакасини ошириш имконини берувчи профилактика ва тушунтириш ишлари, маҳорат сабоқлари, тренинглар ва бошқа тадбирларни ташкил этиши;

меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар эгаларини туризм соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларидаги ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида хабардор қилиб бориши;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар билан ўзаро муносабатлар соҳасига фаол равишда жорий қилиб бориши шарт.

Туризм қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда назорат қилинади.

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этишда
яратиладиган мажбурий шароитлар
РЎЙХАТИ**

1. Ташриф буюрувчилар (туристлар) учун санитария-гигиена қулайликларини ташкил этиш:

умумий фойдаланиш учун санитария-гигиена узели, ванна ёки душ кабинасининг мавжудлиги;

канализация (сув чиқариш) ёки (ахлат тўкиладиган ўрани ташкил этиш йўли билан) маҳаллий иншоотларнинг мавжудлиги;

яшаш ва жамоат жойларида табиий ва сунъий (шу жумладан, фонарлар, шамлар ва бошқа ёритиш воситаларидан фойдаланиш ҳисобига) ёритишнинг мавжудлиги;

сув таъминотининг мавжудлиги (шу жумладан, сувни тўплаш учун идишлар ўрнатиш йўли билан).

2. Ташриф буюрувчиларнинг (туристларнинг) хавфсизлигини таъминлаш:

ўт ўчиргичлар ва тиббиёт дори қутисининг мавжудлиги;

шошинч ёрдам хизматларини чақириш имконияти.

3. Ташриф буюрувчиларнинг (туристларнинг) қулай ва яхши яшашлари учун қуйидаги шароитларни ташкил қилиш:

туташ ҳудуднинг қулай ва шинам бўлиши, оилавий меҳмон уйига бориш йўллари қаттиқ қопламага (шағалли, ёғочли) эга бўлиши;

оилавий меҳмон уйининг олд томонида “Оилавий меҳмон уйи”, “Семейный гостевой дом” ва “Family guesthouse” сўзларини ўз ичига олган, оилавий меҳмон уйининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги номи кўрсатиб ўтилган маълумотлар тахтасининг (ўлчами – энг камида 60 см х 80 см) мавжуд бўлиши.

4. Оилавий меҳмон уйига киришда ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилган қуйидаги маълумотлар тахтасининг мавжуд бўлиши:

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестридан кўчирма нусхаси;

шошинч хизматларнинг ва Туризм қўмитаси Call-марказининг телефон рақамлари;

кўрсатиладиган хизматлар прејскуранти;

рўй бериши мумкин бўлган табиий ҳодисалар, жойлардаги хавф-хатарлар тўғрисида маълумот.

5. Умумий фойдаланиш учун мобил ёки стационар телефон алоқасининг мавжуд бўлиши.

6. “E-mehmon” – меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларида яшовчиларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган махсус электрон дастурига уланган бўлиши. Бунда, Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, (туристларни) энг яқин жойлаштириш воситалари ёки туризм-ахборот марказлари орқали тегишли ҳудудий ички ишлар органларига мурожаат этган ҳолда ташриф буюрувчиларнинг рўйхатга олинишини таъминлайди.

7. Ташриф буюрувчиларни (туристларни) жойлаштириш хоналарида каравотлар ёки матраслар, каравотлар (матраслар) сони бўйича чойшаб-жилдлар мажмуининг мавжудлиги.

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш
тўғрисидаги низомга
1а-илова

**Оилавий меҳмон уйларини жиҳозлаш ва улар томонидан қўшимча
хизмат турларини кўрсатиш бўйича
ТАВСИЯЛАР**

1. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар тахтасининг мавжудлиги:

юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорни ёки оилавий тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш (манзил, телефон/факс рақами, электрон почта манзили);

тез тиббий ёрдам ва ҳудудий ички ишлар органлари ходимларининг келиш вақти тўғрисида маълумот.

2. Ташриф буюрувчиларга (туристларга) бериладиган, диққатга сазовор жойлар билан танишиш учун йўналишлар ва трекинг йўналишлар (қишлоқ, тоғли жойлар, сув ҳавзалари ва бошқалар) кўрсатиб ўтилган жой харитаси мавжудлиги.

3. Ҳар бир хонада ички сақлагичли қулфлар ёки илгаклари бўлган эшикларнинг мавжудлиги.

4. Авария ҳолатида ёритишнинг (турғун генератор ва аккумуляторлар) мавжудлиги.

5. Ошхона ёки мустақил овқат тайёрлаш учун шароитларнинг, шунингдек, ошхона анжомлари ва асбобларининг мавжудлиги.

6. Совуткичнинг мавжудлиги (хонада ёки умумий фойдаланиш учун).

7. Ҳар киши бошига 50 литр сув ҳисобидан минимал сув захираси бўлган идишнинг мавжудлиги.

8. Ташриф буюрувчиларни (туристларни) жойлаштириш учун мўлжалланган хоналарни ҳар куни тозалаш ҳамда санитария-гигиена узели ва ошхонага ҳар куни ишлов бериш (дезинфекция).

9. Бир йилда камида бир марта дератизация, дезинсекция ва дезодорация йўли билан хоналарга санитария ишловини бериш.

10. Дам олиш учун жой (мос бўлган мебелли айвон, супа, шийпонча) мавжудлиги.

11. Ванна (душхоналар) учун зарур жиҳозларнинг (кўзгу, ювиниш ашёлари учун токча, кийимлар учун илгаклар, сочиқ илгич, шахсий гигиенанинг бир марталик воситалари (совун ёки суюқ совун, шампунь) ҳамда ҳаммом сочиқлари тўпламининг (уларни алмаштириш имконияти билан) мавжудлиги.

12. Тегишли жиҳоз ва вентиляцияли санитария-гигиена узелининг мавжудлиги (ҳожатхона кабиналари, қопқоқли унитаз/полга ўрнатилган унитаз, ҳожатхона чўткаси, ҳожатхона қоғози ва уни ўрнатгичи, чиқинди учун саватча, кўзгули бет-қўл ювгич, совун ёки суяқ совун, матоли ёки қоғозли сочиқлар, кийим учун илгаклар).

13. Ҳавонинг нормал циркуляциясини таъминлайдиган, яшаш хоналари ва жамоат жойларига ёқимсиз ҳидлар ҳамда ҳашаротларнинг киришига йўл қўймайдиган шамоллатиш ёки ҳавони кондициялаш тизимининг мавжудлиги.

14. Қўшимча хизмат турларини тақдим этиш:

манзарали жойлар ва суратга олиш учун қулай вақт тўғрисида маълумот;

маданий ва кўнгилочар дам олиш жойларининг жойлашиши, зиёрат жойлари, ташриф буюрувчилар (туристлар) келган вақтда ўтказиладиган маданий тадбирлар тўғрисида маълумот;

миллий таомларни тайёрлаш, ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш бўйича маҳорат дарсларини ҳамда ушбу жараёнда ташриф буюрувчининг (туристнинг) бевосита иштирокидаги бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

ташриф буюрувчининг (туристнинг) миллий анъаналарда ҳамда байрамларда иштирок этишини ташкил этиш (“Келин салом”, “Бешик тўй”, Наврўз, халқ сайиллари ва бошқалар);

кир ювиш хонаси;

такси чақириш;

балиқ ови ва ов қилиш;

от миниш дарслари;

ҳаммом, сузиш ҳавзаси, спорт анжомларининг ижараси;

автомобиль тўхташ жойининг мавжудлиги;

гидлар, йўл бошловчи-инструктор ёки ўлкашуносларни жалб қилиш.

15. Оилавий меҳмон уйлари эгалари ва ишчиларини меҳмонхона хизматларини кўрсатиш, замонавий ахборот технологиялари соҳаси ҳамда чет тиллари бўйича малака ошириш ва ходимларни қайта тайёрлаш курсларида даврий равишда ўқитиш.

Изоҳ. Оилавий меҳмон уйларини жиҳозлаш ҳамда улар томонидан қўшимча хизматлар кўрсатиш бўйича тавсиялар мажбурий эмас ва ягона Реестрга киритишни рад этиш учун асос бўла олмайди.

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш
тўғрисидаги низомга
16-илова

Оилавий меҳмон уйларида мавжуд бўлиши тавсия этиладиган буюмлар РЎЙХАТИ

1. Телевизор.
2. Совуткич.
3. Кондиционер.
4. Душ кабинаси.
5. Унитаз.
6. Бет-қўл ювиш анжомлари.
7. Кир ювиш машинаси.
8. Идиш-товоқлар тўплами ва ошхона анжомлари.
9. Чойшаб-жилдлар мажмуи.
10. Ҳаммом ва юз сочиқлари.
11. Гиламлар.
12. Сўзана, кумғон (кўза), сопол буюмлар ва хоналарни безаш учун миллий ҳунармандчиликнинг бошқа буюмлари.
13. Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имконияти.

Изоҳ. Оилавий меҳмон уйини таъмирлаш ва ободонлаштириш учун қурилиш материаллари ва бошқа зарур материаллар рўйхати ҳар бир алоҳида ҳолатда бажариладиган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли
оромгоҳлар ягона реестрига киритиладиган
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Тадбиркорлик субъектининг номи (якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.).
2. Тадбиркорлик субъектининг почта манзили (жойлашган жойи).
3. Солиқ тўловчининг идентификация рақами.
4. Алоқа маълумотлари (телефон рақами, электрон почта манзили).
5. Индивидуал реестр рақами ва Реестрга киритилган санаси.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “27” ноябр даги 622 -сон қарорига
2-илова

**Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларни
Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар
ягона реестрига киритиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестрига (кейинги ўринларда – Реестр) киритиш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда – ваколатли давлат органи) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли давлат органи ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Оилавий меҳмон уйлари (кейинги ўринларда – меҳмон уйи), хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларнинг фаолиятини ташкил этиш ушбу регламентга 1-иловадаги схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

1-§. Мурожаатларни шакллантириш ва юбориш

5. Меҳмон уйи, хостел, ўтовли ва (ёки) чодирли оромгоҳ фаолиятини ташкил этиш истагини билдирган шахс (кейинги ўринларда – ариза берувчи) давлат хизматидан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказига шахсан ўзи келиб мурожаат қилади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилганда, давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилганда эса, мустақил равишда ушбу Регламентга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

7. Меҳмон уйларини ташкил қилиш ва Реестрга киритиш бўйича сўровномага бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси илова қилинади.

8. Хостел бўйича меҳмонхона ва вақтинча турар жой хизмати кўрсатилишини ташкил қилиш ҳамда уни Реестрга киритиш бўйича сўровномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

хостелнинг хавфсизликка риоя этишни назорат қилиш ва норматив ҳужжатнинг белгиланган талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш ваколатига эга назорат органларининг (ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена назорати) ҳулосалари (ариза келиб тушган кунгача бир йилдан кеч бўлмаган вақтда тузилган) нусхалари. Янги ташкил этилган хостеллар учун улардан фойдаланиш кунидан бошлаб бир йил давомида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ўрнига давлат комиссиясининг фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси нусхаси ҳам тақдим этилади;

хусусий тадбиркор ёки юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма ёки шу турдаги мулкнинг ижара шартномаси.

9. Ариза берувчидан 7 ва 8-бандларда кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

10. Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

11. Сўровномага ариза берувчи тўғрисида маълумотлар киритилиб, унга илова қилинадиган ҳужжат расмийлаштирилгандан сўнг ариза берувчи уни идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (электрон имзо, дактилоскопия, ягона идентификация тизимидаги логин ва пароль, мобил-ID ва бошқалар) тасдиқлайди.

12. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг сўровнома ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда тегишлилиги бўйича ваколатли органга юборилади.

Ариза берувчи сўровномани ЯИДХП орқали тўлдирганда, ундан электрон рақамли имзо талаб этилмайди.

13. Ушбу Регламентда назарда тутилган давлат хизмати бепул кўрсатилади.

14. Агар сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилган бўлса, уларни бартараф этиш учун ариза берувчига беш иш кунидан кам бўлмаган муддат берилади. Ваколатли давлат органи томонидан ариза берувчининг илтимосномасига биноан ушбу муддат беш иш кунидан кам бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги хабарнома ариза берувчига бир иш куни ичида юборилиши лозим. Давлат хизмати кўрсатилишининг муддати камчиликларни бартараф этиш вақтида тўхтатиб турилади.

15. Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаганлиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

16. Давлат хизмати кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

17. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишининг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади.

2-§. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

18. Ваколатли давлат органи ҳужжатларни олган кундан бошлаб уларни уч иш куни давомида кўриб чиқади, меҳмон уйини Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга 1-иловада, хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳларни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда назарда тутилган мажбурий талабларга мувофиқлиги бўйича ўрганиб чиқади.

19. Меҳмон уйини ўрганиб чиқиш натижаси юзасидан ваколатли давлат органи мазкур Регламентга 4-иловага мувофиқ шаклда, хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳларни ўрганиб чиқиш натижаси бўйича эса, 5-иловага мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштиради.

Меҳмон уйи Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга 1-иловада назарда тутилган, хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда назарда тутилган мажбурий талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, ваколатли давлат органи далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб икки иш куни ичида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган билдириш хатини расмийлаштиради ёки асосланган рад жавобини ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, давлат хизматлари марказига (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат қилинганда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади. Бунда, Реестрга киритиш рад этилганлигининг аниқ сабаблари ҳамда уларни бартараф қилиш учун ҳужжатларни қайта тақдим этиш мумкин бўлган муддат (уч ойгача) кўрсатилади.

20. Реестрга киритишни рад этишга асос бўлган сабаблар бартараф этилганда, ариза берувчи билдириш хатида кўрсатилган муддат мобайнида Реестрдан кўчирма олиш учун мазкур Регламентга 6 ва 7-иловаларга мувофиқ шаклларда ариза билан қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ваколатли давлат органи уч иш куни давомида кўриб чиқиш натижалари бўйича қўшимча далолатномани расмийлаштирилган ҳолда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқади.

Ваколатли давлат органи томонидан қайта тақдим этилган аризани кўриб чиқишда муқаддам ариза берувчига ёзма шаклда тақдим этилган билдириш хатида баён этилмаган рад этиш сабабларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

21. Реестрга киритиш рад этилганлиги тўғрисидаги ёзма шаклдаги билдириш хатида кўрсатилган муддат ўтиб кетгандан сўнг ариза берувчи томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ҳамда ваколатли давлат органи томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

22. Меҳмон уйи Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга 1-иловада назарда тутилган мажбурий талабларга, хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар мазкур стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда назарда тутилган мажбурий талабларга мувофиқ бўлганда, ваколатли давлат органи икки иш куни мобайнида:

меҳмон уйи, хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳларга индивидуал реестр рақамини берган ҳолда Реестрга тегишли маълумотларни киритади;

ариза берувчига мазкур Регламентга 8 ва 9-иловаларга мувофиқ шаклдаги Реестрдан QR-код (матрик штрихли код) қўйилган кўчирмани расмийлаштиради;

кўчирмани ўз ЭРИСи билан тасдиқлаб, бир иш куни мобайнида давлат хизматлари марказига (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат қилинганда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

23. Реестрдан кўчирма электрон шаклда расмийлаштирилади ва ваколатли органнинг ЭРИСи билан тасдиқланади.

24. Реестрга аввал киритилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, меҳмон уйи, хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар эгалари бундай ўзгариш юзага келган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида тасдиқловчи маълумотларни илова қилган ҳолда, Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга асосан ваколатли давлат органини хабардор қилишлари шарт.

25. Реестрдан кўчирма ваколатли давлат орган томонидан ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида қайта расмийлаштирилади ва берилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

26. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли давлат органи ходимлари томонидан ариза берувчилар тўғрисидаги шахсий маълумотлар махфийлиги таъминланади.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан расмий мурожаат бўлган тақдирда, ариза берувчилар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши мумкин.

27. Тегишли маълумотларни тақдим этувчи давлат органлари ва ташкилотлари тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончилиги, ҳаққонийлиги ва долзарблигини таъминлайдилар.

28. Ушбу Регламентни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона
реестрига киритиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларни
Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона
реестрига киритиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш
СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Ариза берувчи	Давлат хизматидан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХП орқали ариза топширади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	Аризани қабул қилади, ариза раками ва санасини ариза берувчига юборади ёки давлат хизмати кўрсатишни рад этади.	Автоматик тарзда
3-босқич	Давлат хизматлари маркази	Ариза берувчи давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилганда, унинг сўровномасини Туризм қўмитасининг ҳудудий органига (кейинги ўринларда – ваколатли орган) электрон шаклда юборади.	Автоматик тарзда
4-босқич	Туризм қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари (ваколатли орган)	1. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади. 2. Меҳмон уйи, хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳ белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганади ва натижаси бўйича далолатнома расмийлаштиради.	3 иш куни мобайнида
5-босқич	Туризм қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари (ваколатли орган)	Меҳмон уйи, хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳ белгиланган талабларга мувофиқ бўлганда, уни Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестрига киритади ҳамда давлат хизматлари маркази (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ЯИДХП (электрон тарзда мурожаат қилинганда) орқали ариза берувчига хабар беради.	2 иш куни давомида

		Меҳмон уйи, хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳ белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда, рад қилиш асослари аниқ кўрсатган билдириш хатини давлат хизматлари маркази (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ЯИДХП (электрон тарзда мурожаат қилинганда) орқали ариза берувчига электрон тарзда юборади.	1 иш куни давомида
6-босқич	Ариза берувчи*	Реестрга киритишни рад этиш тўғрисида билдириш хатини олганда рад этиш сабабларини бартараф этади ва ваколатли органга қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни такдим этади.	3 ойгача
7-босқич	Ваколатли орган*	Ҳужжатларни қайта кўриб чиқади ва кўшимча далолатномани расмийлаштиради.	3 иш куни давомида
8-босқич	Ваколатли орган	Меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳларнинг фаолиятини мониторинги қилади.	Доимий

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона
реестрига киритиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

(Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
ҳузуридаги Туризм қўмитаси)

СЎРОВНОМА

1. _____,

(аризачи берувчининг тўлиқ номи)

_____ манзили бўйича рўйхатдан ўтган

(манзили, телефон рақами, факс рақами, электрон почта манзили)

_____ ,

номидан,

(оилавий меҳмон уйи эгасининг лавозими, Ф.И.О.)

_____ манзил бўйича тақдим этиладиган,

(вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино рақами)

_____ оилавий меҳмон уйи хизматини кўрсатиш

(хоналар ва жойлар сони)

хавфсизлик талабларига мувофиқ келишини маълум қилади ва уни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестрига киритишни сўрайди.

2. Ариза берувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган барча шартларни бажаришни
ўз зиммасига олади.

3. Аризага ҳужжат ва маълумотлар _____ варақда илова қилинади.

20__ йил “__” _____
(сана)

Ариза шаклини
олиш учун QR-код

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона
реестрига киритиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

(Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
хузуридаги Туризм қўмитаси)

СЎРОВНОМА

1. _____,
(ариза берувчининг тўлиқ номи)
- _____ манзили бўйича рўйхатдан ўтган
(манзили, телефон рақами, факс рақами, электрон почта манзили)
- _____,
_____ номидан,
(хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳ эгасининг лавозими, Ф.И.О.)
- _____ манзил бўйича тақдим этиладиган,
(вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино рақами)
- _____ меҳмонхона ва вақтинчалик турар жой хизматини кўрсатиш
(хоналар ва жойлар сони)

Низом ва стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ келишини
маълум қилади ҳамда уни Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар
ягона реестрига киритишни сўрайди.

2. Солиқ тўловчининг идентификация рақами.
3. Ариза берувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган барча шартларни бажаришни ўз
зиммасига олади.
4. Аризага ҳужжат ва маълумотлар _____ варақда илова қилинади.

20__ йил “__” _____
(сана)

Ариза шаклини
олиш учун QR-код

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона
реестрига киритиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4-илова

Оилавий меҳмон уйини ўрганиш далолатномаси № _____

20__ йил “_____” _____

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси _____

_____ худудий бўлинмаси ходими
(худуд номи)

_____ (ходимнинг Ф.И.О., лавозими)

20__ йил “_____” _____ да _____
(ариза берувчининг манзили)

оилавий меҳмон уйи томонидан кўрсатиладиган хизматларни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестрига киритиш мақсадида ариза берувчи

_____ иштирокида ўрганди.
(Ф.И.О., телефон рақами, электрон почта манзили)

Баҳолаш вақтида: _____ белгиланди.

Тавсия этилади: _____.

Хулоса: _____.

Далолатнома икки нусхада расмийлаштирилади, унинг биринчи нусхаси ваколатли давлат органига ҳамда иккинчи
нусхаси ариза берувчига тақдим этилади.

_____ (ходим лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Далолатнома билан танишдим ва битта нусхасини олдим:

_____ (ариза берувчининг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

20__ йил “_____” _____

М.Ў. (мавжуд бўлганда)

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона
реестрига киритиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
5-илова

Хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳларни ўрганиш далолатномаси № _____

20__ йил “_____” _____

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси _____

_____ худудий бўлинмаси ходими
(худуд номи)

_____ (ҳодимнинг Ф.И.О., лавозими)

20__ йил “_____” _____ да _____

_____ (ариза берувчининг манзили),

хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳ томонидан кўрсатиладиган хизматларни Оилавий меҳмон
уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестрига киритиш мақсадида ариза
берувчи _____ иштирокида ўрганди.
(Ф.И.О., телефон раками, электрон почта манзили)

Ўрганиш вақтида белгиланди:

№	Талаблар	Ҳақиқий ҳолати	Мувофлиқлик белгиси
1.	2.	3.	4.

_____ (масъул ходим лавозими) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Тавсия этилади: _____.

Хулоса: _____.

Далолатнома икки нусхада расмийлаштирилади, унинг биринчи нусхаси ваколатли давлат органига ҳамда иккинчи
нусхаси ариза берувчига тақдим этилади.

_____ (ҳодим лавозими) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Далолатнома билан танишдим ва битта нусхасини олдим:

_____ (ариза берувчининг Ф.И.О.) _____ (имзо)

20__ йил “_____” _____

М.Ў. (мавжуд бўлганда)

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона
реестрига киритиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
6-илова

(Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
хузуридаги Туризм қўмитаси)

СЎРОВНОМА
(қайта расмийлаштириш тўғрисида)

1. _____,

(ариза берувчининг тўлиқ номи)

_____ манзили бўйича рўйхатдан ўтган

(манзили, телефон рақами, факс рақами, электрон почта манзили)

_____ номидан,

(оилавий меҳмон уйи эгасининг лавозими, Ф.И.О.)

_____ манзил бўйича тақдим этиладиган,

(вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино рақами)

_____ оилавий меҳмон уйи хизматини кўрсатиш

(хоналар ва жойлар сони)

хавфсизлик талабларига мувофиқ келишини маълум қилади ҳамда уни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестридан кўчирмани қайта расмийлаштиришни
сўрайди.

2. Ариза берувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган барча шартларни бажаришни
ўз зиммасига олади.

3. Аризага ҳужжат ва маълумотлар _____ варақда илова қилинади.

20__ йил “__” _____
(сана)

Ариза шаклини
олиш учун QR-код

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона
реестрига киритиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
7-илова

(Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
ҳузуридаги Туризм қўмитаси)

СЎРОВНОМА
(қайта расмийлаштириш тўғрисида)

1. _____,
(ариза берувчининг тўлиқ номи)
_____ манзили бўйича рўйхатдан ўтган
(манзили, телефон рақами, факс рақами, электрон почта манзили)

_____ номидан,
(хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар эгасининг лавозими, Ф.И.О.)
_____ манзил бўйича тақдим этиладиган,
(вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино рақами)
_____ меҳмонхона ва вақтинчалик турар жой хизматини кўрсатиш
(хоналар ва жойлар сони)

Низом ва стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ келишини
маълум қилади ҳамда уни Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар
ягона реестридан кўчирмани қайта расмийлаштиришни сўрайди.

2. Солиқ тўловчининг идентификация рақами.
3. Ариза берувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган барча шартларни бажаришни
ўз зиммасига олади.
4. Аризага ҳужжат ва маълумотлар _____ вақтда илова қилинади.

20__ йил “__” _____
(сана)

Ариза шаклини
олиш учун QR-код

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона
реестрига киритиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
8-илова

**Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси**

**Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар
ягона реестридан кўчирма**

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона реестрига киритилган
_____ га берилди.

(ариза берувчининг Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____.
(сана, ой (сўз билан), йил)

Рўйхатга олиш рақами: _____

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): _____

Паспорт (идентификацияловчи _____ рақами: _____
ID-карта) серияси:

Берилган санаси _____

_____ (паспорт (идентификацияловчи ID-карта) берган органнинг тўлиқ номи)

Оилавий меҳмон уйи манзили: _____

Амалга оширилаётган фаолиятнинг қўшимча тур(лар)и: _____

Реестрадан кўчирма
берилди:

(Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси ҳудудий
бўлинмасининг тўлиқ номи)

QR-код учун жой

Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли
ва чодирли оромгоҳларни Оилавий меҳмон уйлари,
хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар ягона
реестрига киритиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
9-илова

**Ўзбекистон Республикаси Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси**

**Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар
ягона реестридан кўчирма**

Реестр рақами
№ _____

Рўйхатга олиш санаси: _____

Меҳмонхона ва вақтинчалик турар жой хизматлари

_____ (тадбиркорлик субъектининг номи)

кўрсатилган _____
(хостел, ўтовли ва чодирли оромгоҳ номи)

манзили: _____
(телефон рақами, электрон почта манзили)

Ўрнатилган талабларга мос келиши _____
_____ (стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар)

Рўйхатдан ўтказиш татбиқ
этилади _____
(хона ва ўрин-жойлар миқдори)

Солиқ тўловчининг идентификация рақами _____

Реестрдан кўчирма
берилди: _____
(Ўзбекистон Республикаси Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси ҳудудий
бўлинмасининг тўлик номи)

QR-код учун жой

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “~~27~~” ~~ноябр~~даги 622 -сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 7 августдаги 631-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарорининг 1-банди бешинчи хатбошиси ҳамда қарорга 5-илова.
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги 885-сон қарорига илованинг 7-банди.
4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 31 июлдаги 477-сон қарорига 4-илованинг 2-банди.
5. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 36-банди.
6. Вазирлар Маҳкамасининг “Туризм соҳаси субъектлари учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2022 йил 26 июлдаги 407-сон қарорига илованинг 1-банди.

